ХОРАЗМ РЕСПУБЛИКАСИДА СОВЕТ РЕЖИМИ ЮРИТГАН ҚАТАҒОНЛАР ТАРИХИДАН

С.ҲОШИМОВ

В статье на основе новых источников и архивных материалов освещаются вопросы проведения органами советской власти военных и политических репрессий в отношении руководящих кадров из представителей местного населения в Хорезмской Народной Советской Республики (ХНСР).

On the basis of new sources and archival materials the author of the article tries to depict the measures of military and political repression used by the former Soviet authorities against the representatives of the local authorities of former Khorezm People's Soviet Republic.

Мустақиллик туфайли совет режими даврида юрт озодлиги, ватан мустақиллиги йўлида курашиб ноҳақдан қатағон қилинган юртдошларимизнинг табаррук номларини аниқлаш, уларнинг пок номларини оқлаш борасида жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримовнинг 2008 йил 31 августда "Қатағон қурбонлари" хотираси музейининг янги экспозицияси билан танишиш чоғида билдирган фикрлари қатағон қилинган юртдошларимизнинг ҳаёт йўли ва тақдирини янада чуқур тадқиқ қилишга ундайди: "Мустабид тузум қатағони қур-

бони бўлган минглаб ватандошларимизнинг аянчли қисмати, миллатимиз зиёлиларининг бошига тушган қора кунлар ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди. Эркин ва фаровон кунларга эришишимизга ўз ҳиссасини қўшган инсонлар хотирасини эъзозлаш, уларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳаққоний маълумотларни ўрганиш - эзгу ва хайрли ишдир" [1].

Хоразмда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши жараёнида ерли халққа ва унинг етук миллий арбобларига нисбатан амалга оширилган ҳарбий, сиёсий репрессиялар тарихини тадқиқ этиш миллий тарихшунослигимизнинг долзарб муаммоларидан биридир. 1920 йилда Хива давлатчилигига барҳам берилиб, Хоразм Халқ Совет Республикасининг ташкил этилиши большевиклар жаҳон инқилоби докторинасининг илк бор Хоразм мисолида амалиётда мужассам топиши бўлган эди.

Қурол кучи билан амалга оширилган «инкилоб»га қадар РСФСРнинг Хива хонлиги ишлари бўйича ваколатли вакиллари сифатида Христофоров, Солдатов, Г.Б.Скаловлар фаолият кўрсатди [2.313]. Г.Б.Скалов, Г.И.Бройдо, А.Измаилов, Р.Шокиров, Башмаков, Сафонов, Бик, А.А.Иоффе каби РСФСР ва Туркомиссиянинг Хивадаги вакиллари большевикларнинг қонли қирғинларини бевосита бошқариб турдилар. Хонлик ағдарилган кундан бошлаб Хоразмда Россия ҳукумати, Туркомиссия ҳамда Туркфронт ҳарбий кенгаши аъзолари Г.И.Бройдо, А.Измаилов, Г.Б.Скалов ҳамда бошқалар ҳукмронлик қила бошладилар.

Хоразм Республикасида советлармонанд давлат тузилиши шакллантирилди. Бу ҳокимият "халқ ҳокимияти" дейиларди. Советларга халқ вакиллари сайланган бўлса-да, амалда коммунистлар синфий манфаат ҳимоясида шай турганлар ва республикадаги мавжуд мураккаб сиёсий вазиятдан фойдаланиб, доимий равишда давлат тўнтаришлари ва ҳукумат рахбарларини ўзгартириб туриш сиёсатини амалга ошириб келганлар.

Расмий ҳужжатларда ва сўзда Совет ҳукумати ХХСРнинг мустақиллигини тан оларди. РСФСР билан ХХСР ўртасида 1920 йил 13 сентябрда Москвада тузилган иттифоқ шартномасида шундай дейилади:" РСФСР Хоразм Халқ Совет Республикасининг тўла озодлиги ва мустақиллигини сўзсиз тан олади" [3.56] дейилади. Лекин бу мустақиллик фақат сўздан иборат эди. Масалан, Туркомиссия раҳбарларининг кўрсатмасини тўла бажармагани учун ХХСР МИҚ Президуми раиси 3,5 йил ичида 7 маротаба алмаштирилган: бу лавозимда М.Оллаберганов, О.Муҳаммадраҳимов, Я.Муродов, А.Ҳожиев, К.Санаев, С.Жуманиёзов, Н.Айтаковлар ишлаган [4.14-44].

ХХСР ташкил қилингандан то тугатилганига қадар ўтган 4 йилдан ортиқроқ вақт ичида халқ нозирлари Кенгаши раислари ҳам 7 марта алмаштирилди. Бунга сабаб Москва билан Хоразм, Туркомиссия ва ХХСР раҳбарлари ўртасидаги келишмовчиликлар бўлган. Маҳаллий раҳбарларнинг Хоразм аҳолисининг барча табақалари манфаатини кўзлаб юритган сиёсати ва ҳалқаро муносабатларда тутган йўли Марказ мақсад-манфаатларига тўғри келмаганида эди. Бўшатилган барча маҳаллий раҳбарлар советлар қатағон сиёсатининг қурбони бўлди.

Ёш хиваликлар фаолларидан Полвонниёз Юсупов I Умумхоразм қурултойида ХХСР Халқ Нозирлар Кенгаши раиси этиб сайланган эди [5.50]. Полвонниёз Юсупов мустақил давлат сифатида миллий-демократик ўзгаришлар йўлидан бориш сиёсатини юритди. Шу сабабдан, бир томондан Туркомиссия, иккинчи томондан РСФСРнинг мухтор вакили М.Сафонов ёш хиваликлар ҳукуматини бадном қилишга киришдилар.

Туркомиссия режаси асосида Пурхив чақириғига биноан 1921 йил 6 мартда Хивада қизил армия қисмлари айрим иштирокиюн фирқаси ва комсомол аъзолари иштирокида П.Юсупов бошлиқ ҳукуматга қарши намойиш уюштирилди. Қизил армия қисмлари ҳукумат биносига бостириб кириб, раҳбарни ҳибсга олди. Халқ Нозирлари Кенгашининг раиси П.Юсупов яширинишга улгурди. Қизил аскарлар қўлига тушмай қолган нозирлар Жунаидхонга қўшилдилар [6.218]. Шундай қилиб, П.Юсупов бадном қилинди. У кейинчалик афв қилинган бўлса-да, давлат ишларига аралаштирилмади. Давлат тўнтариши натижасида қонуний сайланган ёш хиваликлар ҳукумати ағдарилди.

1921 йил 15-23 майда Хивада халқ вакилларининг II Умум Хоразм қурултойи бўлиб ўтди. Хоразм МИҚ раиси қилиб Муҳаммадрайим Оллоберганов, Халқ Нозирлар Кенгашининг раиси қилиб қорақалпоқ Менглихўжа Ибнияминов сайланди. Қурултойда ёш хиваликлар ҳукуматининг сиёсати "халққа қарши қаратилган сиёсат эди" деб қораланди [7.13-24].

Афсуски, янги сайланган ҳокимиятнинг фаолияти ҳам узоққа чўзилмади, 1921 йил сентябр ойида бўлган ХХСР МИҚ мажлисида "ўз вазифасини бажара олмаган ва ишни чалкаштирган" деган сохта айблар билан М.Оллоберганов ўз лавозимидан олиб ташланди ва ўлимга ҳукм қилинди

[6.219] Шундай қилиб, М.Оллоберганов ҳам мудҳиш тузум қурбони бўлди.

1921 йил сентябрида ХХСР МИҚ Президуми раислигига сайланган Отамахсумохун Муҳаммадраҳимов ҳам ўзидан олдинги раҳбарлар сингари давлат ишларини мустақил бошқаришга ҳаракат қилди. 1921 йил 9 октябрда МИҚ сессияси қарори билан II Умумхоразм қуруллтойининг вақф тўғрисидаги нотўғри қарорини бекор қилдирди. Бироқ Турккомиссия уни руҳонийларни ҳимоя қилишда айблади. 1921 йил октябрда Хоразмга келган Турккомиссия раиси А.А.Иоффе бошчилигидаги комиссия ҳукуматнинг айрим қарорларини бекор қилишга ҳаракат қилган. Бунга қарши ХХСР МИҚ раиси О.Муҳаммадраҳимов А.А.Иоффега Хоразм Республикасининг ички ишларига аралашадиган бўлса, 24 соат ичида Хоразмни ташлаб чиқиб кетиш ҳақида ультиматум топширади [8.154].

О.Муҳаммадраҳимов куч ишлатиш йўли билан тинчлик ўрнатиш мумкин эмаслигини тушунгач, Жунаидхон билан муросага келиш учун махсус комиссия тузиб, унинг қароргоҳига жўнатади. 1921 йил 6 ноябрда Хоразм Республикаси ҳукумати билан Жунаидхон ўртасида “Келишув шартномаси” тузишга муваффақ бўлинди [9.619].

О.Муҳаммадраҳимов ўзининг қисқа, бироқ собитқадамлик билан юритган фаолияти давомида Хоразм Республикасининг мустақил давлат сифатида ривожланишини таъминлаш учун курашди. Табиийки, бу Турккомиссия ва Марказга ёқмади. Марказдан ҳукумат таркибини ўзгартириш тўғрисида кўрсатма олингач, қатъий ҳаракатга ўтилди. 1921 йил 27 ноябрдаги Хоразм компартияси МҚ, Хоразм Республикаси МИҚ ва Халқ Нозирлар кенгашининг кенгайтирилган қўшма мажлисида Хоразм республикаси МИҚнинг раиси О.Муҳаммадраҳимов, Хоразм Халқ Нозирлари Кенгаши раиси М.Ибнияминов ва бошқа қатор масъул шахслар “Хоразм халқининг душмани” деб эълон қилинди. Уларни лавозимларидан бўшатиб, қамоққа олишга қарор қилинди [10.235]. Мажлисга келмай Оллоқулихон мадрасасида яширинган О.Муҳаммадраҳимов отишма пайтида ўлдирилди. Шу тариқа Хоразмда большевикларнинг мухтор вакиллари томонидан учинчи бор давлат тўнтариши ва РСФСРга маъқул бўлмаган ҳукумат раҳбарларини очиқдан-очиқ бадном қилиш сиёсати амалга оширилди.

Менглихўжа Ибнияминов, Мулла Бекжон Раҳмоновлар қамоққа олинди. Шунингдек, қамоққа олинган Миркомил Миршаропов, Ҳасан Эрматов, Янгибой Муродов, Юнгиров, Огайдаров, Тригуловлар РСФСРнинг Хивадаги ваколатхонаси ихтиёрига берилиб, Хоразмдан чиқариб юборилди. Муҳаммаджон Абдалов бир йил, Муҳаммад Юсуф Отажонов беш йил қамоққа, Менглихўжа Ибнияминов ва Мулла Бекжон Раҳмоновлар олий жазо – отувга ҳукм қилиндилар. Мазкур ҳукм қарори ХХСР МИҚ Президиумида кўрилиб, Менглихўжа Ибнияминов ва Мулла Бекжон Раҳмоновларнинг ўлим жазолари 10 йилдан қамоқ жазосига ўзгартирилди. Улар кейинчалик қамоқдан озод қилиндилар.

Туркистон АССР ҳукумати М.Миршаропов ва Ҳ.Эрматовларнинг Хоразм республикаси ҳудудидан чиқиб кетиши билан уларга қўлланган жазо чораларини ўзгартирди, улар ҳарбий ўқишга юборилди. Кейинчалик Миркомил Миршаропов (1924 йил феврал ойида) ХХСРга қайтиб келиб, ҳарбий нозир ўринбосари вазифасида ишлади ва Жунаидхонга қарши курашди [11.10].

Советларнинг қўрқитиб – товлаш сиёсати оқибатида ҳукм қилинганларнинг бир қанчалари 1921 йилнинг охири ва 1922 йилнинг бошларида озод қилинди ва масъул вазифаларга тайинланди. Жумладан, Мулла Бекжон Раҳмонов – маориф ва маданият ишларига, Муҳаммаджон Абдалов – молия, банк ишларига, Менглихўжа Ибнияминов ХХСР МИКга қайта ишга тикландилар [2.333]. Булардан кўриниб турибдики, совет ҳокимияти Хоразмда ерли халқ ичидан етишиб чиққан сиёсий арбобларни ўз сиёсий ўйинларининг қурбонига айлантирди.

Хоразмда қизил қўшинлар томонидан амалга оширилган ҳарбий репрессияларнинг дастлабки кўринишларидан бири 1920 йил июнида содир бўлди. 1920 йил 23 июнда маданият ва маориф нозирларининг 18 ёшгача бўлган қизларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарори Хива шаҳрида хон тарфдори бўлган руҳонийлар бошчилигида қўзғолон бошланишига олиб келди. Улар Муҳаммад Аминхон мадрасасига бир неча минг мусулмонни тўплаб, шариатни ҳимоя қилиш шиори остида ёш хиваликлар ҳукуматини ағдариш ва хон ҳокимиятини тиклашни талаб қилиб чиқдилар. Жунаидхон бошлиқ қуролли ҳаракат қатнашчилари Хива остоналарига ўз қўшинлари билан етиб келиб, қўзғолончиларни қўллаб-қувватлади. Лекин Хивага тез орада катта миқдорда қизил армия қўшинлари етиб келиб, қўзғолонни шафқатсизлик билан бостирдилар. Намойиш қатнашчилари зўрлик билан тарқатиб юборилди.

Машъум операция натижасида ҳарбий “инқилобий” трибунал ҳукми билан қўзғолон етакчилари ва унинг ғоявий раҳнамолари – Иброҳим Охун, Рафиқ охун, Саиджон қори, Мулла Муҳаммадниёз Баҳодирхон, Муҳаммад Охун ва бошқалар отиб ташланди.[12.32] Қўзғолонни бостириш чоғида қи-

зил армия қўшинлари томонидан 320 га яқин мулла, эшон ва оқсоқоллар ҳибсга олинди. Уларнинг бир қисми сўроқ-саволсиз, судсиз отиб ташланди, қолганлари эса сургун қилинди [13.192]. Бу қўзғолонга ҳеч қандай алоқаси бўлмаса ҳам, собиқ Хива хони Саид Абдулло ва унинг қариндош-уруғлари, шунингдек, қозикалон Ҳикматилла Охун, Обид Охун ва бошқалар Хоразм республикаси ҳудудидан Россия ва Туркистоннинг турли бурчакларига сургун қилинди [3.55].

Хоразмда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши бевосита сиёсий, ҳарбий репрессиялар воситасида амалга оширилди. Бунда қатағон сиёсатининг ҳукмфармо органлари асосий роль ўйнади. Бундай маккорона интиҳосиз сиёсат, ўз навбатида, қуролли қаршилик ҳаракатининг авж олишига сабаб бўлди. 1922 йил 15 ноябрда Хоразм компартияси МК Ижроия бюроси мажлисида “босмачи ва калтамакларга қарши кураш учун фавқулодда чора-тадбирлар” белгилади. ГПУ ҳузурида “босмачиликка қарши кураш учун фавқулодда “тройка” (учлик) таркиб топди. Фавқулодда тройка зудлик билан ишга киришиши ва “босмачилар” ҳамда уларга ёрдам беришда шубҳаланган барча шахсларни 24 соат ичида отиб ташлаши шарт эди. Давлат сиёсий бошқармаси қошида эса 70 кишилик коммунистик отряд ташкил қилинди. Учлик таркибига Сиёсий бошқарма раиси (Бобо Муҳаммаджонов), инқилобий трибунал раиси (И.Мансуров), Қозоқ бўлими бошлиғи (Таган Абдуллаев) киритилди [12.35-36]. Туркистон ва Бухородаги каби Хоразмдаги бу учлик ҳам миллат тарихида мудҳиш из қолдирди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Аждодлар руҳига эҳтиром // Халқ сўзи.- 2008.- 1 сентябрь.
2. Қўшжонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (XIX аср иккинчи ярми – XXаср биринчи чораги). -Т., 2007.
3. История Хорезмской народной Советской Республики (1920-1924гг.) Сборник документов.- Т., 1976
4. Маткаримов М. Хоразм республикаси давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди.- Урганч, 1993.
5. Хива – минг гумбаз шаҳри.- Т., 1997.
6. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.- Т.: Шарқ, 2000.
7. Ўз Р МДА. 71-фонд, 1-рўйхат, 4-й.ж.
8. Каландаров Н. Образование и деятельность Хорезмской Коммунистической партии.- Т., 1975.
9. Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости.- Т.: Шарқ, 2000.
10. Ўз Р МДА. 71-фонд, 1-рўйхат, 3-й.ж.; Ражабов Қ. Бухоро ва Хоразм республикаларидаги қуролли мухторият кураши. (1920-1924 й.) // Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.-Т.: Шарқ, 2000.
11. Каримов Н., Ражабов Қ. Миршаропов Миркомил // Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.6.- Т., 2003.
12. Хоразм тарихи. II жилд.- Урганч, 1997.
13. Ўз Р МДА. 17-фонд, 6-рўйхат, 1219-й.ж.

Андижон давлат университети,
2013 йил 11 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)